

ЎЗБЕКИСТОН

1. ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ВА ХИЗМАТЛАШТИРИЛГАН

\* Таълимнинг асосий қисми бўлиши билан

2. ҚУБУҚ

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

3. ҚАСБИЙ ТАЪЛИМ ВА АМАЛГА КИРИТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Хизматига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ташкилот қўшни  
қўриқ-қўриқ бўлиши билан таълимнинг асосий қисми бўлиши билан  
2018 йил 25.08.18

4. ТАЪЛИМ

**5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини**  
**лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси бакалаврият таълим**  
**йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти.
- «СУВСОЗ» ДУК

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги Н - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р	бет
1. <i>5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи</i> .....	4
1.1. Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2. <i>5340400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</i> .....	4
2. <i>5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар</i> .....	6
2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2. <i>5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари</i> .....	6
3. <i>5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар</i> .....	9
3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	9
3.2. <i>5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми</i> .....	12

**1. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини  
лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси бакалаврият таълим  
йўналишининг умумий таснифи**

**5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си**

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

**1.2.1. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

**5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси** бакалаврият таълим йўналиши – таълим йўналиши муҳандислик коммуникациялари қурилиши соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб ўз ичига саноат, жамоат, турар-жой объектларини сув билан таъминлаш, оқова сувларини оқизиш тизимларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, қайта тиклаш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, муҳандислик коммуникация қурилиши ва монтажи соҳасини ривожлантиришга, истикболни белгилашга, техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган усуллари ва услубларининг мажмуасини камраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

– муҳандислик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиши билан шуғулланувчи ташкилотлари, коммунал хизмат кўрсатадиган барча вилоят, шаҳар ва туман корхоналари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли сув муаммоларига боғлиқ соҳалари, табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи муассасалари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни камраб олади:**

– сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимларини жиҳозларини лойиҳалаш ва эксплуатацияси, ҳамда тизимдаги ишчи жараёнларни бошқариш;

– сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимлари ва жиҳозлари муҳандислик хисобларини амалга ошириш;

– турар жой, жамоат ва саноат биноларида сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш ва монтаж қилиш;

– муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;

– сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимларини лойиҳалаш.

**1.2.3. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув;
- лойиҳавий-конструкторлик;
- фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида) кабиларни ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

#### **1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- **5A340401 - Сув таъминоти, канализация, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланиш** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**2.2. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:**

- қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш ва маромига етказиш;
- турли қурилиш объектларида сув таъминоти ва канализация тизимларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий–технологик хариталарини тузиш ва қўллаш;
- қурилишда қўлланиладиган муҳандислик коммуникация материаллари ва усқуналарининг сифатини назорат қилиш;
- сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш соҳаларида намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- сув таъминоти ва канализация тизимларини қурилиши ва тизимлардан фойдаланиш жараёнларида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг муҳандислик коммуникацияларида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Ташкилий-бошқариш фаолиятида:**

- сув таъминоти ва канализация тизимларининг фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;
- сув таъминоти ва канализация тизимларини бошқаришда замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- сув таъминоти ва канализация тизимлари ечимларини амалиётга татбиқ қилиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф–муҳитни ва меҳнат хавфсизлигини назорат қилиш тизими талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

- сув таъминоти ва канализация тизимлари ва жиҳозларини лойиҳалаш борасида тасаввурга эга бўлиши;
- турар-жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаш;
- сув таъминоти ва канализация тизимларини ва усқуналарини автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш ва конструкциялаш;
- лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, яқунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;
- ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

#### **Фойдаланиш ва сервис хизматини кўрсатиш фаолиятида:**

– турар-жой, жамоат ва саноат биноларини муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;

– технологик таъминлаш жиҳозлари, ускуналари ва воситаларни синов текшириши усулларини эгаллаган бўлиши;

– турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг сув таъминоти ва канализация тизимлари ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш усулларини эгаллаган бўлиши;

– сув таъминоти ва канализация тизимлари қурилиши ва монтажи соҳалари корхона ва ташкилотларга объектларни қуриш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш;

– сув таъминоти ва канализация тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

– сув таъминоти ва канализация тизимлари ва жиҳозларидан фойдаланиш, таъмирлаш, синаш ва уларга техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– сув таъминоти ва канализация тизимлари қурилиши соҳасига оид техник воситалар, тизимлар, жараёнлар, қурилмалар, материаллар ва янги турдаги муҳандислик коммуникация тизимлари таркиби ва технологиясини амалиётга татбиқ этиш, муҳандислик коммуникация қурилмаларини синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

– сув таъминоти ва канализация тизимларини яратишда ва амалиётга татбиқ этишда, янги машиналар ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

– республика ва хорижда чоп этилган муҳандислик коммуникация тизимларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

– мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

– интернет тармоғидан энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириб топа олиши керак;

– илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Педагогик фаолиятида (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида):**

– ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– интернет тармоғида ўқитиладиган фанлардан энг янги дарслик ва ўқув материалларини қидириш, топиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш;

– ўқитиладиган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитиладиган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

**3. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини  
лойиҳалаштириши ва эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналиши  
ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий  
талаблар**

**5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириши ва эксплуатацияси** бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;  
умумкасбий;  
ихтисослик;  
қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир каторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

Ўқув режага киритиладиган ихтисосликка оид фанларнинг амалий машғулотлари ва лаборатория ишлари олий таълим муассасаси ҳамда базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

Назария ва амалиёт яхлитлигини таъминлаш учун талабаларнинг малакавий амалиётлари базавий ташкилот ва корхоналарда ўтказилади.

**3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар  
Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоки бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалаврият таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Табиий-илмий фанлар бўйича:**

ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инobatга олган ҳолда математик усуллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасавурларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари;

табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истикболлари ҳақидаги илмий тасавурларни шакллантириши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасавурларни шакллантириш лозим;

математик анализ, аналитик геометрия, чизикли алгебра, комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияси, эҳтимоллар назарияси ва статистик математика, дискрет математиканинг асосий тушунчалари ва услублари, функционал ва ҳисоблаш масалаларини ечиш моделлари;

информацион технологияларнинг қурилиш ривожига роли, қурилишда информацион технологиялар бўйича маълумотларни олиш;

механиканинг физик асослари, статик физика ва термодинамика, тебраниш ва тўлқинлар физикаси, электр ва магнетизм, квант физикаси, акустика, термодинамиканинг уч қонуни, ҳолатнинг термодинамик функциялари, иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларида ўхшашлик назарияси, қурилишда ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимнинг моделларидан фойдаланишни;

қурилиш кимёси фанининг моҳияти ва аҳамияти, материя, модда, атом, молекула ва кимёвий элемент тўғрисидаги тушунчалар, атом– молекуляр таълимот; кимё фанининг асосий қонунлари; идеал газ қонунлари; кимёвий боғланиш; кимёвий кинетика ва кимёвий мувозанат; эритмалар; оксидланиш қайтарилиш реакциялари; гуруҳ элементларини;

инсон ва яшаш муҳити: меҳнат физиологияси асослари ва ҳаёт фаолияти учун қулай шароитлар, антропоген омиллар объекти, ишлаб чиқариш муҳитининг микроклим кўрсаткичлари, фавқулдда вазиятларда хавфсизлик, ҳаёт фаолияти хавфсизлигини бошқариш, электр хавфсизлиги асослари, ишлаб чиқариш тиббиёти, ёнғин хавфсизлиги, меҳнат муҳофазасини билиши лозим.

#### **Умумқасбий фанлар блоқи бўйича:**

математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши лозим.

чизма геометрия ва инженерлик графикаси қоидалари, усул ва йўриқларини қўллаш, проекцион чизмалар, техник чизмалар ва эскизларни билиши ва бажариши;

материалларнинг механик хусусиятлари, материаллар қаршилиги, ички кучлар, чўзилиш ва сиқилиш, конструкция элементлари ва уларнинг таъсир кучларини ҳисоблаши;

қурилиш механикаси, бино ва иншоотлар қурилишида механика масалалари, кинематик анализ, кўп оралikli балкалар, текис фермалар ва уч шарнирли системалар ҳамда бошқа қурилиш конструкциялари ва элементларини турли таъсир кучларига ҳисоблаш, деформация ва зўриқиш ўртасидаги боғлиқлик, чегаравий ҳолат назариясини график ифодалаш;

суюқлик ва газ механикаси, суюқликлар ва газларнинг физик хоссалари, асосий гидростатик ва гидродинамик қонуниятлар, суюқликларда гидравлик ишқаланиш ва маҳаллий қаршилиқларда босим йўқолишини аниқлаш, босим ўлчаш асбобларини ишлатиши;

геодезияда қўлланиладиган координатлар тизими ва турли ўлчашларни, турли геодезик асбобларнинг вазифалари ва улардан фойдаланиш, муҳандислик кидирувларида бажариладиган геодезик ишлар таркибини; қурилиш лойиҳаларини жойга кўчириш тартибини, турли геодезик асбоб-ускуналарида ишлай билиш; геодезик ўлчашлар натижаларига ишлов бериш, бино ва иншоотлар ер ости ва ер усти қисми қурилишининг геодезик таъминотини таъминлаши;

гидрогеологияда грунт сувларининг режими; ер ости сувларининг ҳаракат қонуни; фильтрация коэффициенти ва уни аниқлаш; сув чиқарувчи иншоотларга оқиб келувчи сувлар; гидрология асослари; дарё оқимининг ҳосил бўлишини асосий қонуниятлари, сув омборида бўладиган сувни йўқолиши, оқимни мавсумий ва кўп йиллик ростлаш, сув сатҳи, чуқурлиги, оқим тезлиги, сарфлари ва уларни ўлчаш усуллари;

бино ва иншоотларини архитектуравий лойиҳалаш асосларини ва уларнинг конструктив элементларини, турар-жой, жамоат ва хизмат кўрсатиш-техник биноларини лойиҳалаш ҳамда лойиҳалашда намунавий лойиҳалардан фойдаланиш; турли типдаги биноларни лойиҳалашда ёнғинга ва зилзилага қарши талабларни эътиборга олиши;

қурилиш материаллари ва буюмлари ва уларни тадқиқ қилишнинг замонавий усулларини ўрганиши;

муҳандислик коммуникациялари қурилиши иқтисодиёти ва бошқаруви асослари, муҳандислик коммуникациялари ишини ташкил этиш ва бошқариш, муҳандислик коммуникациялари фаолиятини баҳолаш, муҳандислик коммуникацияларига хизмат кўрсатиш корхоналарида бошқарув тизимини шакллантириш;

сув кимёси ва микробиология асослари, сувнинг физик-кимевий хоссалари, сувга ишлов бериш усуллари, табиий ва оқова сувларни санитар-кимевий таҳлилини қилиш;

насосларнинг турлари, вазифалари ва ишлаш принциплари ҳамда қўлланиш соҳалари, насос ҳосил қилинадиган сиқув, насос қуввати ва фойдали иш коэффициенти, ўрнатиладиган насосларнинг турини ва сонини аниқлаш;

муҳандислик коммуникация тизимлари қурилмаларини тайёрлаш, пайвандлаш ва монтаж ишларининг техникаси ва технологияси, санитар-техник ишларнинг бажарилиши, сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимлари, иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларида қўлланиладиган жиҳозларининг монтаж қилиш усуллари;

қурилиш конструкцияларини лойиҳалаш асослари ишлатилиш соҳалари, материалларнинг физик-механик хоссалари, қурилиш конструкциялари элементларининг бириктириш усуллари билиши ва иқтисодий жиҳатдан самарали конструктив ечимларни танлаши;

иссиқлик-газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимлари, уларнинг тузилиши, конструктив ечимлари ва асосий жиҳозлари, ҳисоблаш асослари;

муҳандислик тармоқлари ва жиҳозлари, сув, газ, иссиқлик таъминоти, совитиш, шамоллатиш тизимларида қўлланиладиган жиҳозлар ва тармоқларни билиши лозим.

#### ***Ихтисослик фанлар блоқи бўйича:***

тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва укувларини шакллантириши;

табиий сув манбаларидан сув олувчи иншоотлар ва уларни лойиҳалаш ва ишлатиш, сув олиш ва узатиш тармоқлари, аҳолига сув тайёрлаш технологиялари, саноат корхоналарининг сув таъминоти, кишлоқ хўжалиги сув таъминоти;

оқова сувларини оқизиш тармоқларини лойиҳалаш, оқова сувларни оқизиш қурилмалари, оқова сувларни тозалаш, саноат корхоналарининг оқова сувларини оқизиш ва тозалаш, оқова сувларнинг чиқиндиларига ишлов бериш;

сув таъминоти, оқова сувларни оқизиш тизимлари ишини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш, сув қабул қилиш, сувни тозалаш иншоотлар, сув сақлаш ҳавзалари ва сув босим миноралари ишларини ташкил қилиш ва улардан фойдаланиш;

сувга қўйиладиган санитар ва гигиеник талаблар, махсус биноларни санитар техник жиҳозларини билиши лозим.

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

Ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олинади.

#### ***Кўшимча фанлар блоқи бўйича:***

таълим йўналиши талабаларнинг умумқасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

таълим сифатига қўйиладиган талаблар бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг долзарблиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши;

қасбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, қасбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

#### ***Танлов фанлари:***

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

**3.2. 5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириши ва эксплуатацияси бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим	- 62.7%;
аттестация	- 7.8 %;
таътил	- 15.6 %;
малакавий амалиёт	- 10.8 %;
битирув малакавий иши	- 3%.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Назарий ва амалий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва табиий илмий фанлар	- 29,9%;
умумқасбий фанлар	- 45,2%;
ихтисослик фанлар	- 20,7%;
қўшимча фанлар	- 4,2%.

5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва  
эксплуатацияси бакалавр таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг намунавий  
тузилиши

Т.р.	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкла- манинг ҳажми, соатлар
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий-илмий фанлар</b>	<b>2070</b>
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	78
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Олий математика	369
1.09	Курилишда ахборот технологиялари	351
1.10	Физика	226
1.11	Курилиш кимёси	110
1.12	Танлов фани	32
<b>2.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>3121</b>
2.01	Қасбий психология	104
2.02	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	268
2.03	Курилиш механикаси	402
2.04	Суюқлик ва газ механикаси	268
2.05	Грунтлар механикаси	104
2.06	Курилиш материаллари ва буюмлари.	134
2.07	Инженерлик геодезияси	134
2.08	Сув кимёси ва микробиология	238
2.09	Бино ва иншоотлар архитектураси	238
2.10	Иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция тизимлари	156
2.11	Насослар ва насос станциялари	209
2.12	Муҳандислик геологияси ва гидрогеология	134
2.13	Курилиш конструкцияси	104
2.14	Танлов фанлари	628
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>1433</b>
3.01	Табиий сувларни қабул қилиш ва тозалаш	255
3.02	Сув узатиш тармоқларини лойиҳалаш	167
3.03	Сув таъминоти, оқова сувларни оқизиш тизимларининг ишини ташкил этиш ва эксплуатацияси	255
3.04	Оқова сувларини тозалаш	153
3.05	Биноларнинг энергия тежамкор муҳандислик коммуникациялари	305
3.06	Оқова сувларини оқизиш тармоқларини лойиҳалаш	167
3.07	Тайёрлаш, пайвандлаш ва монтаж ишларининг техникаси ва технологияси	131
<b>4.00</b>	<b>Қўшимча фанлар</b>	<b>288</b>
	Жами	6912
	Малакавий амалиёт	1188
	Битирув малакавий иши ҳимояси билан	324
	Аттестациялар	864
	Жами	2376
	Ҳаммаси	9288

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозлари, суюқлик ва газ механикаси асослари, насослар ва ҳавоузатгичлар, замонавий жиҳозлар, ичимлик сувлари, ёнғинга қарши совуқ сув тизими, сув босимини кўтарувчи қурилмалар, сув таъминоти ва оқова сувларни оқизиш тизимлари, оқова сувларни оқизиш, механик йўқотишлар, эксплуатация, фойдали иш коэффициенти, сув таъминоти, оқова сувларни оқизиш, компрессорлар, иссиқлик юктамалари, сув ўтлари ва замбуруғлар, табиий ва оқова сувларда учрайдиган бошқа организмлар: ультрамикроблар, атиномицеталар, ачиткилар ва коловраткалар, микроорганизмлар физиологияси, ферментлар, сувнинг гидрологик айланма ҳаракати, тармоқ модели, лойиханинг номутонасиблигини аниқлаш, сувнинг лойқалилиги, ранги, хиди, таъми ва ранг кўрсаткичини аниқлаш, сувнинг ион таркиби, сувнинг ион диаграммаси, сувнинг барқарорлиги.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректор

Р.Р. Ҳақимов

2018 йил «03» август

М.Ў

ДУК "СувСоз"

ТСТБ-1 бошлиғи Ж.М. Назаров

2018 йил «03» август

М.Ў

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази

Директор

проф. Б.Х.Рахимов

2018 йил «08» август

М.Ў

Ирригация ва сув муаммолари ИТИ

Директор

проф. И.Э.Махмудов

2018 йил «08» август

МЧЖ "Лойиха маслаҳат"









Директор

П.А.Ниёзходжаев

2018 йил «08» август

М.Ў

**Тошкент архитектура қурилиш институти 5340400 – Мухандислик  
коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича), 5341200 - Сув  
таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси  
бакалавр таълим йўналишлари бўйича малака талаблари ва ўқув режани ишлаб  
чиқувчи Ишчи гуруҳ таркиби**

Т/р	Ишчи гуруҳ ранси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	А.Мирисаев	ТАҚИ ўқув ишлари проректори, т.ф.н., доц.	
Аъзолари:			
2	С.Махкамов	ТАҚИ ўқув бўлими бошлиғи, т.ф.н., доцент	
3	С.Нарбаев	Мухандислик қурилиш инфраструктураси факультети декани, т.ф.н., доцент	
4	И.Алиев	Бино ва иншоотлар факультети декани п.ф.н., доцент	
5	О.Маманазаров	Қурилишни бошқариш факультети декани, и.ф.н., доцент	
6	З.Шадманова	Қурилиш механикаси ва бино иншоотлар зилзила бардошлилиги кафедра мудири т.ф.н., доцент	
7	У.Юсупов	Бино иншоотлари кафедра мудири т.ф.н. доцент	
8	А.Турдиев	Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш кафедра мудири, и.ф.н. доцент.	
9	С.Юсупходжаев	“Қурилиш конструкциялари” кафедраси мудири	
10	Ш.Хуррамов	Математика ва табиий фанлар кафедраси мудири т.ф.н., профессор	
11	Д.Махмудова	Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш кафедраси мудири, т.ф.н. доцент	
12	Ю.Рашидов	Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш кафедраси профессори, т.ф.н.	
13	Бўриев Э.С.	Инженерлик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва ишлатиш кафедраси доценти, т.ф.н.	

Ректор

Р.Р.Ҳақимов

Ўқув ишлари бўйича проректор

А.Ў.Мирисаев

Мухандислик қурилиш  
инфраструктураси факультети декани

С.М.Нарбаев

ДУК “СУВСОЗ”

5341200 - Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	<p>Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)*</p>	<p>Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)</p>
1	<p>шифри 5341200</p> <p>Сув таъминоти ва канализация тизимларини лойиҳалаштириш ва эксплуатацияси таълим йўналиши</p>	<p>Битирувчи қўйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- сув таъминоти ва канализация тизимлари соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаш;</li> <li>- индивидуал ва гуруҳларда ишлаш;</li> <li>- фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида сув таъминоти ва канализация тизимлари соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаш;</li> <li>.....</li> <li>- сув таъминоти ва канализация тизимлари соҳасида қарорларни қабул қилиш;</li> <li>- сув таъминоти ва канализация тизимлари соҳасидаги кўникмаларни турли маҳсус амалий дастурий воситалардан фойдаланиб, амалда қўллаш;</li> <li>- билимлари ва маҳоратларидан сифатни таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш;</li> <li>- сув таъминоти ва канализация тизимлари соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш;</li> <li>- сув таъминоти тизимларининг ишлаш гидравлик режимларини, тизим тоифаларини; сув таъминоти тармоқларини лойиҳалаш меъёрлари ва қоидаларини билиши;</li> <li>- сув қабул қилиш иншоотлари, улардаги жиҳозларни танлаш ва ҳисоблаш;</li> <li>- табиий сувларни тозалаш ва зарарсизлантириш жараёнларини; сув манбаларини технологик, иқтисодий ва экологик баҳолаш;</li> <li>- сув таъминотининг тизимининг магистрал ва тарқатиш тармоқларини</li> </ul>

- лойихалаш ва уларни гидравлик ҳисоблаши; сув сақлаш ва сув босим минораларини лойихалаш ва ҳисоблаши;
- табиий сувларни тозалаш иншоотларини танлаш, ҳисоблаш ва санитар-гигиеник талаблар асосида лойихалаш;
- оқова сувларини окизиш тармоқларини лойихалашни; лойихалаш учун дастлабки маълумотларни билиши;
- оқова сувларини окизиш тармоқларини гидравлик ҳисобини; хўжалик ишлаб чиқариш оқова сувларини окизиш тармоқлари; оқовани окизиш меъёрлари ва нотекислик коэффициентларини билиши;
- хўжалик ишлаб чиқариш оқова сувларини окизиш тармоқларининг ҳисобий сарфларини аниқлашни; оқова сувларни окизишда гидравлик ҳисобларни билиши;
- оқова сувларни окизиш тармоқларини таснифлаш ва лойихалаш;
- ёмғир сувлари интенсивлиги ва сарфини ҳисоблаши;
- ёмғир ва умумокизиш оқова сувларини окизиш тармоқларини лойихалаш ва ҳисоблаши;
- оқова сувларни қайта кўтариш, насос қурилмаларини жойлашув нуқтаси ва таркибий тузилмасини танлаш;
- оқова сув окизиш тизимларини дарё, сой, эстакада ва темир йўллاردан ўтказишни билиши;
- иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш;
- .....
- инновацион гоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш;
- илмий манбаларга асосларга ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш ва бошқалар.

Изоҳ. Жадвал вазирлик (идора)нинг ташкилот(корхона)лари учун кадр тайёрланаётган ҳар бир бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) бўйича битирувчининг билими, кўникмаси ва малакасига кўйиладиган аниқ талаблар асосида тўлдириш тавсия этилади ва Малака талабларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида қабул қилинади.

ДУК Сувсоз СТФБ-1 бошлиғи



Назаров Ж.М.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3151-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарорларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғида белгиланган вазифалар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 87-02-1322-сонли хати ижроси таъминлаш мақсадида Тошкент архитектура-қурилиш институтида қайта ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини турдош Олий таълим муассасалари билан

### КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“ 8 ” 08 2018 й.

**Қатнашдилар:**-Р.Ҳақимов-Тошкент архитектура қурилиш институти ректори Р. Ҳақимов, А.Мирисаев-ТАҚИ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.Эргашев-НамМҚИ ўқув ишлари бўйича проректори, С.Махкамов-ТАҚИ ўқув бўлими бошлиғи, М.Хаджибеков-СамДАҚИ ўқув бўлими бошлиғи, А.Кўчимов-ЖизПИ ўқув бўлими бошлиғи, Т.Жўраев-НамМҚИ-ўқув бўлими бошлиғи, Р.Ходжаев-ТАҚИ магистратура бўлими бошлиғи, И.Алиев-ТАҚИ Бино ва иншоотлар факультети декани, Ш.Рейимбоев-ТАҚИ Архитектура факультети декани, С.Нарбаев-ТАҚИ Муҳандислик қурилиш инфраструктураси факультети декани, И.Бозоров, Н.Тошматов, М.Алиев-ЖизПИ кафедра мудирлари, Р.Ачилдиев, С.Бобоев, Қ.Якубов, А.Мирзаев, А.Уралов-СамДАҚИ кафедра мудирлари, М.Хонкелдиев, А.Мирзаев, М.Узбоев- СамДАҚИ профессор-ўқитувчилари, Ж.Ахмедов, М.Толипов, М.Давлятов, Х.Маматов – ФарПИ кафедра мудирлари, С.Абдурахмонов, С.Холмирзаев, Ш.Жўраев-НамМҚИ кафедра мудирлари, Ш.Мирзаев-БухМТИ кафедра мудири, Э.Акимов-УрДУ кафедра мудири, Б.Қидирбаев, Р.Курбанбаев, Г.Утегенова-ҚҚДУ кафедра мудирлари, З.Аматов, Б.Қаландаров-ТерДУ кафедра мудирлари, ТАҚИнинг барча мутахассислик кафедраси мудирлари, Қ.Раҳимов-Менежмент кафедраси катта ўқитувчиси.

### КУН ТАРТИБИ

